

Рамазоннинг охириги ўн кунлиги бошланди



11:28 / 20.03.2025 2273

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Қадр кечасини Рамазоннинг охириги ўн кечасининг тоқ (кеча)ларидан изланглар»** дедилар.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллalloҳу алайҳи васаллам (охириги) ўн кунлик кириб келса белбоғларини маҳкам боғлардилар, кечаларини тирилтирар ва аҳлларини уйғотардилар».

Имом Бухорий ривояти.

Қадр кечасининг

1 сонияси 23 соатдан афзал;

1 дақиқаси 58 кундан афзал;

1 соати 9 йилу 8 ойдан афзал;

1 кечаси 83 йилу 3 ойдан афзал.

Бу йилги Рамазон ойининг охириги тоқ кечалари:

21 кеча: 20 март (пайшанба)дан — 21 март (жума)га ўтар кечаси;

23 кеча: 22 март (шанба)дан — 23 март (якшанба)га ўтар кечаси;

25 кеча: 24 март (душанба)дан — 25 март (сешанба)га ўтар кечаси;

27 кеча: 26 март (чоршанба)дан — 27 март (пайшанба)га ўтар кечаси;

29 кеча: 28 март (жума)дан — 29 март (шанба)га ўтар кечаси.

Минг ойдан афзал ушбу кечани ғанимат билиб, уни тоат-ибодат билан ўтказишга ғайрат қилайлик.

Рамазоннинг охирги ўн кунлигида кўпроқ

зикр ва дуо қилинг;

Қуръон тиловат қилинг;

нафл намозларни ўқинг;

закотингизни беринг;

Аллоҳ таолонинг мағфирати ва раҳматини сўранг.

ҳар куни хайр-эҳсон қилинг;

фитр садақасини беринг!

Аллоҳим, раҳматинг ва марҳаматинг билан бизларни Рамазонга етказдинг!
Ундан жаннатни қўлга киритиб, тақвомизни мустаҳкамлаб, қалбларимизни
ислоҳ қилиб чиқишимизни насиб эт!